



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 8 июнь, № 114 (8737)

Шанба

Сайтимида ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИХАЛАР АСОСИДА БУНЁД ЭТИЛАЁТГАН СПОРТ ИНШООТЛАРИ НАВҚИРОН АВЛОД КАМОЛОТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 7 июнь куни пойтахтимизнинг Яккасарой ва Яшнобод туманларига ташриф буюриб, жамоат хавфсизлиги ва спорт соҳаларидаги янги объектлар ҳамда маҳаллаларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаментининг Мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш марказини бориб кўрди.

Бу марказ Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси доирасида ташкил этилган. Мажмуа мукаммал таъмирланиб ва замонавий жиҳозланиб, шу йил мартда ишга туширилган.

Марказ жамоат хавфсизлиги жараёнларини қамраб олган ягона ахборот маконидир. Бу ерда жойлардаги вазият ва ҳодимларнинг иш-ҳаракати рақамли технологиялар орқали таҳлил қилиб борилади. Хусусан, 10 мингдан ортиқ профилактика инспекторларининг фаолияти 6 та йўналиш бўйича назорат қилинади ва баҳоланади.

Бунда “Е-Жамоат хавфсизлиги”, “Е-Ижтимоий вазият” каби дастурлар, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат тартибини сақлаш хизматларининг ягона ахборот тизимлари ҳамда 6 мингдан зиёд “ақли” кузатув камералари интеграцияси қўл келмоқда. Шунингдек, марказда видеоолақа ор-

қали профилактика инспекторлари, йўл патруль, пост патруль ва пробация ҳодимлари учун масофавий ўқувлар ўтказилади. Оммавий тадбирларни моделлаштириш орқали ностандарт вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш ва тезкор чоралар кўриш ўргатилади.

Давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, соҳа ҳодимлари юқори технологияларни яхши билиши лозимлигини таъкидлади.

Бугунги кунда барча соҳада сунъий интеллектнинг ўрни кенгайиб бормоқда. Инсонларга қулайлик яратадиган дастурлар билан бирга кибержиноятчилик, фирибгарлик усуллари ҳам кўпаймоқда. Бундай жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва фож этиш учун ички ишлар ходими ундан-да илгор, зийрак бўлиши керак.

Шу боис марказдаги учрашувга ҳуқуқ-тартибот идоралари хузуридаги олий ўқув юртлири ректорлари тақлиф этилди. Улардаги ўқув дастурларини шу нуқтаи назардан такомиллаштириш, дуал таълим тизимини жорий этиш, дарслар ва илмий ишларнинг ҳаёт билан ҳамнафаслигини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Ички ишлар вазирлигида учувчисиз қурilmаларни қўллаш бўйича тузилма ташкил этиш вазифаси қўйилди. Жиноятчилик профилактикасини кучайтириш, оммавий тадбирлар хавфсизлигини таъминлаш борасида қўшимча топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги Фармони билан тасдиқланган жамоат хавфсизлиги бўйича стратегияда 2025 йил якунига қадар тизимни рақамлаштиришни 90 фоизга етказиш белгиланган. Ташриф чоғида давлатимиз раҳбарига шу борада ахборот берилди.

Бу жараён уч босқичда амалга оширилмоқда.

Биринчи босқичда муаммолар ўрганилиб, иккинчисида шу асосда мутахассислар ва дастурлар тайёрланди. Жумладан, 66 та ахборот тизими ва модуллари ишлаб чиқилди. Уларга вазирлик ва идораларнинг 77 та ҳамда Ички ишлар вазирлигининг 25 та ахборот тизими интеграция қилинди. Жамоат хавфсизлиги бўлими мазмунлари ходимлари 18 мингдан зиёд планшетлар билан таъминланди ҳамда рақамли қурilmалардан самарали фойдаланиш бўйича ўқитилди.

Натижада 155 та ҳисобот, 37 та иш юритиш соҳаси, юзга яқин қайднома ва йиғма материаллар рақамлаштирилган. Бунинг ҳисобига 213 миллиард сўм тежалишига эришилган.

Энди учинчи босқичда Маълумотларни қайта ишлаш маркази ташкил этиб, соҳага сунъий интеллектни кенг жорий қилиш, ускуналарни маҳаллийлаштириш каби мақсадлар қўйилган. Шу ерда ички ишлар тизимида қўлланилаётган замонавий техника ва анжуман намоийш қилинди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Яккасарой туманида бунёд этилган сув спорти саройини кўздан кечирди.

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясига қарашли мазкур мажмуа сув спорти ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида қурилган. Эътиборлиси, бу ерда ҳам профессионал спортчилар, ҳам хаваскорлар учун шариот яратилган.

50 метрли бассейн ва 500 ўринли томошагоҳга эга катта залда халқаро миқёсдаги мусобақалар, терма жамоамизнинг ўқув-масгулот йиғинларини ўтказиш учун замонавий шариотлар бор. Баландикдан сакраш

ва кичик хавзаларда болалар сув спортини ўрганади.

Мажмуада ёшлар, меҳнат жамоалари ва фахрийлар саломатликларини мустаҳкамлаш мумкин. У бир вақтинчи ўзида 100 нафар, бир кунда мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатиш қувватига эга.

Иккинчи қаватда маъмурият ва мураббийлар хонаси, конференция зали, тренажёр хонаси ҳамда спорт шарҳловчилари учун махсус хоналар жойлашган.

Мажмуа негизида Сув спорти мактаби ташкил этилган. Давлатимиз раҳбари бу ерда ёш спортчиларнинг масгулотларини кузатиб, Уларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаб, улкан утуқларга руҳлантирди.

Бу йил Париж шаҳрида ўтказилган ёш Олимпия ва Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси тизимидан 13 нафар спортчи лицензияни кўлга киритган. Президентимиз мазкур спортчилар ва мураббийлар билан суҳбатлашди.

— Шаҳару қишлоқларда спорт мажмуалари қуриб, уни оммалаштиришга катта эътибор беряёмиз. Чунки спорт билан шугулланган ёшлар кам

бўлмади, соғлом бўлади, болалариниям шундай тарбиялайди. Сиздек профессионал спортчилар бу йўлда ёшларга ҳам ифтихор, ҳам ўрнак бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги Дилбоғ маҳалласида ҳам бўлиб, аҳоли турмуш шароити билан яқиндан танишди.

Маҳаллада 5 минг 200 нафардан ортиқ аҳоли яшайди. 26 та кўп қаватли уй, мактаб ва боғчалар, савдо шохбчалари атрофи обод қилинган.

Ортимизда ҳар бир маҳалла ихтисослашувидан келиб чиқиб ривожлантирилмоқда. Дилбоғликлар, асосан, тадбиркорлик ва ҳунармандлик билан шугулланади. 15 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохбачаси, битта ишлаб қириш корхонаси, таълим муассасаларида аҳоли доимий иш билан банд.

Утган йили аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш учун 13 та лойиҳага кредит ажратилган. 300 га яқин фуқаролар янги ишга жойлаштирилган. Ёшларни касба ўргатиш учун мономарказ ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари маҳалладаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Ўзбекистон Футбол ассоциацияси хузуридаги Тошкент шаҳар футбол академияси шу маҳаллада жойлашган. Замонавий мажмуада ёпиқ ва очик спорт майдонлари, назарий масгулот хоналари, ётоқхона, ошхона ва кутубхона мавжуд. Ҳозир бу ерда 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган 154 нафар бола сабоқ олмақда. Масгулотларга чет эллик мутахассислар ҳам жалб қилинган. Стадионлар ёритиш ва тасвирга олиш қурилмалари билан жиҳозланган.

Президент академия тарбияланувчилари ва спорт соҳаси масуъллари билан суҳбатлашди.

— Футбол бўйича қарорларимиз, иқтидорли болаларга эътибор берганимиз тўғрисида Ўзбек футболу ҳам жаҳонга чиқа бошлади. Европа жамоаларида легионерларимиз кўпайяпти. Ёшларимиз Олимпиадага йўлланма олди. Бу давомий бўлиши учун энди маҳалларда футболни ривожлантириш керак. Қўшимча стадионлар қуриб, унинг оммавийлигини қўллаб-қувватлаш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу маҳалладаги сув спорти саройининг таъмири ҳам кўздан кечирилди. Уни давлат-хусусий шериклик асосида барқарор ишлатиш бўйича кўрсатма берилди.

Зийдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АВВАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот кизмати сурати.

«Türkiye» газетаси:

Янги Ўзбекистон бутун дунёнинг порлоқ юлдузига айланиб бормоқда

Туркиянинг етакчи «Türkiye» («Туркия») газетасида «Ўзбекистон — Туркия муносабатлари янада мустаҳкамланади» сарлавҳали мақола чоп этилди.

Туркия Буюк миллат мажлисидаги Ўзбекистон билан парламентлараро дўстлик гуруҳи Раис Осман Местен қаламига мансуб мазкур мақолада икки мамлакат ўртасидаги тарихий ришталар, савдо-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар қайд этилган.

Эътироф

Нашрда 6 июнь куни қардош мамлакат — Ўзбекистон билан муносабатлар жиҳатидан ниҳоятда самарали ва унумли кун бўлгани, яъни Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев расмий ташриф билан келгани хабар қилинган. Таъкидланганидек, ташриф давомида Ўзбекистон ва Туркия Президентлари раислигида олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг учинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

ган Мовароуннахр заминидир. Милодий X асрдан бошлаб аждодларимиз бу ерлардан кўчиб, Анадолини ўзлари учун ватан сифатида танлаган. Шундай бўлса-да, аждодларимиз ота юртва қолган қардошларимиз билан алоқаларини ҳеч қачон узмаган. Ушбу улғу заминдан етишиб чиққан буюк алломалар нафақат Осидедаги, балки бутун дунёдаги туркий халқлар тамаддунига катта ҳисса қўшган инсонлардир», деб ёзган муаллиф.

Мақолада ёзилишича, бугунги Ўзбекистон заминидан Туркияга келганлар бу ерда катта мадрасалар ташкил этиб, муҳим тадқиқот ишларини олиб борган, ёшларга илм ўргатган. Ҳозирги кунда Анадолида Самарқандий, Тошкандий ва Бухорий номлари билан боғлиқ 2500 дан ортиқ қабрлар бор. Улардан иккитаси Бурсадаги Амир Султон ва Салоҳиддин Бухорий қабрларидир.

«2016 йилда Шавкат Мирзиёев Президент этиб сайланганидан кейин Ўзбекистон очиклик сари юз тутди ва янги тараққиёт сисъатини амалга ошира бошлади. Мамлакатдаги ўзгариш ва янгиликни жараёни янги Ўзбекистон номининг тез-тез тилга олинишига сабаб бўлди. Бу жараёнда Президент Шавкат Мирзиёев иқтисодий тараққиётга алоҳида эътибор қаратмоқда. Сўнгги 7 йилда ушбу мамлакатга тез-тез ташриф буюрган инсон сифатида айтишим

керакки, янги Ўзбекистон, ҳақиқатан ҳам, қисқа вақтда катта йўлни босиб ўтди», деб қайд этган Туркия парламенти вакили.

Маълум қилинганидек, сўнгги йилларда янги Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб икки баравар ўсди. Мамлакат 2023 йилни 6 фоизлик ўсиш билан якунда ва бу йил ҳам худди шундай муваффақиятга эришиши кутилмоқда. Инфляция даражаси 9 фоизга тушган. Товар айирбошлаш кўрсаткичлари ҳам муттасил ортиб бормоқда. Валюта бозори ва олтин валюта захиралари барқарорлиги сақланиб келинмоқда. Охириги йилларда 60 миллиард доллардан ортиқ хорижий инвестиция жалб этишга муваффақ бўлинди. Утган йили хорижий инвестициялар ҳажми қарийб икки баробар ошди.

Тадбирда ТуркПАга аъзо давлатлар парламентлари раҳбарлари, ТуркПА кузатувчи аъзолари делегатлари, халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Иштирокчилар «яшил» иқтисодий ўсишни таъминлаш, «яшил» энергияни жорий этиш, иқлим ўзгаришига қатга сазовор. Буни қатор халқаро анжуманларда Ўзбекистон қисқа муддатларда юқори натижага эришган мамлакат сифатида бошқа давлатлар учун ўрнак сифатида кўрсатилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.



2

Делегациямиз ТуркПАнинг XIII йиғилишида иштирок этди

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Туркий мамлакатлар Парламент ассамблеясининг (ТуркПА) Боку шаҳрида «Турк дунёси учун «яшил» уфқлар: «яшил» кун тартибини амалга оширишда парламентларнинг роли» мавзусида ўтказилган XIII йилги мажлисида иштирок этди.

Мулоқот

Тадбирда ТуркПАга аъзо давлатлар парламентлари раҳбарлари, ТуркПА кузатувчи аъзолари делегатлари, халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Иштирокчилар «яшил» иқтисодий ўсишни таъминлаш, «яшил» энергияни жорий этиш, иқлим ўзгаришига қатга сазовор. Буни қатор халқаро анжуманларда Ўзбекистон қисқа муддатларда юқори натижага эришган мамлакат сифатида бошқа давлатлар учун ўрнак сифатида кўрсатилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон илк бор ХМТ Маъмурий кенгаши аъзолигига сайланди

Маълумки, сўнгги йилларда юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялаш, меҳнат муносабатларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Натижада болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга тўла барҳам берилди. Айни чоғда муносиб меҳнат тамойилларини илгари суриш, хусусан, халқаро меҳнат, ишлаб чиқариш, техник ва экологик стандартларни кенг татбиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хушхабар

Бу борадаги саъй-ҳаракатлар халқаро ҳамжамият, жумладан, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан эътироф этиб келинаётгани диққатга сазовор. Буни қатор халқаро анжуманларда Ўзбекистон қисқа муддатларда юқори натижага эришган мамлакат сифатида бошқа давлатлар учун ўрнак сифатида кўрсатилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Кеча яна бир хушхабар етиб келди. Женева шаҳрида давом этаётган Халқаро меҳнат конференциясининг 112-сессияси доирасида бўлиб ўтган ХМТ Маъмурий кенгаши аъзолигига сайловларда Европа ҳудудидан

энг кўп овоз тўплаб Ўзбекистон тарихида илк марта таба кенгаши аъзолигига сайланди.

Бу — Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан қабул қилинаётган қарорлар, меҳнат муносабатларини тизимини такомиллаштириш юзасидан янги тақлиф ва ғоялар ишлаб чиқишида бевоқифа Ўзбекистоннинг ҳам фаол иштирок этиши учун кенг имконият дегани.

«Халқ сўзи».

Делегациямиз ТуркПАнинг XIII йиғилишида иштирок этди

Айни чоғда йиғилиш мавзуси долзарблигини таъкидлаб, парламентлар илмий-тадқиқот институтлари, марказлари, тегишли кўмиталар ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш зарурлигига иштирокчилар эътиборини қаратди. Биргаликда тадқиқотлар ўтказиш ва илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш, ҳукуматларга тақдим этиш амалиёти кенг йўлга қўйиш юзасидан ҳам фикрларини билдирди.

Ялпи мажлисда қайта тикланган энергетика соҳасидаги имкониятлар ва экологик тоза энергия ресурсларидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти кўриб чиқилди. Бу аънавий энергия ресурсларига қарамликни камайтириш ва экологик нуқтаи назардан ижобий натижаларга эришишга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Иштирокчилар томонидан энергия хавфсизлиги масаласини ҳал этишда "яшил" энергиядан фойдаланиш ҳамда илгор технология ва инновацияларни қўллашни рағбатлантириш бўйича давлатлардаги ижобий тажрибалар кенг муҳокама қилинди.

Бу борадаги ҳамкорликни кучайтиришга оид таклифлар илгари сурилди ҳамда биргаликда амалга ошириладиган чоралар бўйича фикр алмашилди.

ТуркПА XIII ялпи мажлиси янқуларни бўйича Боку декларацияси қабул қилинди.

Мазкур нуфузли анжуман доирасида Сенат Раиси иштирокида бир қатор учрашувлар ҳам ўтказилди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Малайзия парламенти Сенати Раиси ўринбосари Нур Жазлан Моҳаммад бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Томонлар Ўзбекистон — Малайзия ўртасидаги дўстлик ва кўп қиррали шериклик муносабатлари кенгайтириш, хусусан, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, маданий-гуманитар ва туризм соҳаларидаги алоқаларни янада кучайтиришдан манфаатдор эканини билдирди.

Айнан бу борадаги алоқаларнинг одимлашида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Малайзия Бош вазирининг ўзаро ишонч ва конструктив руҳдаги муносабатлари муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда таълим йўналишида қўшма дастурлар бўйича ишлаш, машинасозлик ва мураккаб технологиялар соҳаларида кадрлар малакасини ошириш, зиёрат туризми лойиҳаларини ишга тушириш юзасидан фикр алмашилди.

Парламентларо ҳамкорлик масалаларига алоҳида тўхталиб, сўнгги йилларда ўзаро мулоқот ва таширлар фаоллашиб бораётгани ва уни янада кенгайтириш учун дўстлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш лозимлиги ургуланди.

Шунингдек, парламент назорати доирасида олий даражада эришилган келишувлар ижросини таъминлашга кўмаклашиш зарурлиги таъкидланди.

Мулоқот якунида Ўзбекистон ва Малайзия Сенатлари ҳамкорлигига оид тегишли ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда амалий ҳаракатлар, яъни қонун ижодкорлиги, парламент назорати, кўмиталар ҳамкорлиги, ҳудудларни ривожлантириш каби масалаларни акс эттиришга келишиб олинди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси Раиси Саҳиба Гафарова билан учрашув ўтказди.

Унда томонлар парламентларо алоқаларни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

Хусусан, оқори даражадаги икки томонлама келишувларнинг амалга оширилишини таъминлаш, жумладан, парламентларнинг савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги қўшма лойиҳаларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди.

2022 йилда парламентларо ҳамкорликни ривожлантириш бўйича Тошкентда имзоланган амалий ҳаракатлар режаси, яъни "Йўл харитаси" ижроси тўлиқ таъминлангани алоҳида қайд этилди.

Учрашув якунида ўзаро ҳамкорликни оқори босқичга кўтаришга қаратилган 2024-2025 йилларга мўлжалланган янги "Йўл харитаси" ҳам имзоланди.

Ушбу ҳужжат парламент аъзолари ўртасида ташир алмашиш орқали ўзаро муносабатларни чўқурлаштириш ва қонун ижодкорлиги фаолиятини ривожлантиришни кўзда тутди. Ундан илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, туризм, экология ва маданиятларо мулоқотни ривожлантириш бўйича ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини таъминлаш каби йўналишлар ҳам ўрин олган.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Венгрия Миллий Ассамблеяси вице-спикери Марта Матрар билан учрашув ўтказди.

Музокара давомида Ўзбекистон ва Венгрия ҳамкорлигининг муҳим йўналишлари кўрилди. Сиёсий мулоқотни фаоллаштириш, парламентларо муносабатларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий алоқаларни ва ижтимоий соҳалардаги алмашинувларни янада кенгайтириш имкониятлари муҳокама қилинди.

Томонлар иқтисодиётнинг турли йўналиши, хусусан, автомобилсозлик, фармацевтика, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали иқтисодий дипломатияни изчиллик билан ривожлантириш муҳимлигини қайд этишди.

Шунингдек, таълим, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, икки мамлакат етакчи олий ўқув юртлари иштирокида қўшма таълим дастурларини жорий этиш масалаларига эътибор қаратилди.

Сўхбат чоғида парламентларо алоқаларни ривожлантириш, уларни янги мазмун билан бойитиш, қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш масалаларини томонларнинг диққат марказида бўлди.

Муносабатларни мустаҳкамлашнинг амалий механизми сифатида эса парламентларо дўстлик гуруҳлари фаолиятини кучайтиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон ва Туркия:

Ишончли ҳамкор ва стратегик шерик

Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган ишончли ҳамкор ва стратегик шерик давлат ҳисобланади. Айниқса, охириги йилларда икки мамлакат алоқалари ўзининг оқори палласига кўтарилди. Кўни кеча Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу мамлакатга амалга оширган галдаги таширифи муносабатларимиз тарихида янги саҳифалар очди, десак, муболага бўлмайди. Негаки, мазкур таширф давомида кўплаб ҳужжатлар имзоланди ҳамда янги келишувларга эришилди.

Олий Мажлис Сенати аъзолари ўзларининг бу борадаги фикрларини баён этди.

□ Акс садо

Баҳодир ТОЖИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси раиси:

— Сир эмас, кейинги йилларда ҳар иккала давлат етакчиларининг саъй-ҳаракатлари билан тарихи, кадриятлари, дини, маънавияти, мақсад-муддоси бир бўлган халқларимиз янада яқинлашди. Шу боис бугун бир-биримизни туришган қардошимиздек кўраимиз. Уларнинг ютуқларидан беҳад қувонамиз, ташвишини эса ўзимизники деб биламиз.

Стратегик шериклигимиз асосида эса бугунги ва келгуси режаларимиз ўз мўжассамини топган.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг таширифи доирасида Анқара шаҳрида икки давлат раҳбарлари раислигида Стратегик ҳамкорлик кенгашининг учинчи йиғилиши ўтказилди. Ва айтиш жоизки, бу йиғин тарихий аҳамиятга молик воқеали бўлди. Негаки, мазкур тадбирда Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди, яқунда эса салмоқли келишувларга эришилди.

Унда амалий ҳамкорликни кенгайтириш, энг аввало, товар айирбошлаш ҳақини ошириш, санаот, "яшил" энергетика, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика тармоқлари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишларда, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик дастури доирасида кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлаш зарур.

Хусусан, фаол маданий-гуманитар алмашинуви изчил давлат эътириш масалалари кўриб чиқилди. Халқаро сибасатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди.

Олий даражадаги музокаралар яқунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатлар қабул қилиниши ҳар икки давлат тараққиёти учун муҳим бўлди, дейиш учун асослар бор.

Расмий таширф доирасида Ўзбекистон ва Туркия Президентлари икки мамлакат етакчи қорхоналари ва компаниялари раҳбарлари билан ўтказган биринчи қўшма учрашувлари ҳам мамлакатла-

римиз бизнес салоҳиятини янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Одилжон ИМИНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси:

— Ўзбекистон ва Туркиянинг сиёсий ҳамда парламентларо алоқалари, маданий-гуманитар алмашинувлари жадал ривожланмоқда, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик фаоллашмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг бу галги расмий таширифи ана шу алоқаларга янги чарват бериши аниқ. Буни таширф доирасида кенг қамровли ва имзоланган ҳужжатлар ҳам тасдиқлайди.

Дарҳақиқат, таширф доирасида давлатларимиз ҳамда халқларимиз учун манфаатли бўлган кўплаб муҳим тарихий ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, Президентлар Кенг қамровли стратегик шерикликни чўқурлаштириш тўғрисида қўшма декларацияни имзолаларди.

Қолаверса, икки давлат етакчилари ҳузурида кўп қиррали шерикликнинг кўплаб соҳаларини қамраб олган 19 та ҳужжат қабул қилинди.

Шуларга мос равишда имтиёзли савдо ва энергетика бозорини тартибга солишга оид икки томонлама ҳужжатлар ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар режаси қабул қилиндики, буларнинг барчаси, пировардида Ўзбекистон ва Туркия халқлари иқтисодий-ижтимоий истиқболлида муҳим аҳамият касб этади.

Шухрат Чўллийев, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳўққ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси ўринбосари:

— Чиндан ҳам, Президентимизнинг Туркияга амалга оширган расмий таширифи кўплаб соҳалардаги келишувлар ҳамда ҳамкорлик тадбирларига бой кенгалиги билан алоҳида ажралиб турди.

Масалан, иқтисодий-ижтимоий, маданий-гуманитар, таълим-фан, тиббиёт, хавфсизлик, мудофаа ва қонунчилик йўналишларидаги шериклик масалалари кенг муҳокама қилинди.



Шу ўринда, олий профессионал ва техник таълим соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш, театр фестиваллари ва маданият ҳафталикларини ўтказиш, биргаликда тарихий фильмлар суратга олиш ва маданий мерос объектларини реставрация қилиш соҳаларида ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Негаки, бу соҳалардаги алоқалар халқларимизни янада бир-бирига яқинлаштиришда муҳим ўрин тутди.

Қолаверса, кадриятларимиз ва маданиятимиз турк халқи учун ҳам бегона эмас, бу борада муштаракликлар жуда-юкун кўп. Шу боис учрашув давомида мазкур йўналишдаги тадбирлар ташкил этилди. Мисол тариқасида, Президентларнинг ўз оилалари ҳамроҳлигида Туркия халқ амалий санъати ва таомлари кўргазмасига таширф буюрганини келтириш мумкин.

Кўргазмада халқ ижодий жамоаларининг театрлаштирилган чиқишлари намойиш этилди. Айни чоғда маданий алмашинувлар қардош халқларимизни янада яқинлаштириш ва дўстлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди алоҳида эътироф этилди.

Хуқуқшунос сифатида шунини таъкидламоқчиманки, таширфининг энг муҳим ва тарихий қисми, бу — ҳамкорликнинг барча йўналишини чўқурлаштиришга қаратилган декларациянинг қабул қилиниши ҳамда икки давлат раҳбарлари бошчилигида Ўзбекистон — Туркия Ишбилармонлар кенгаши ташкил этилиши бўлди. Бунга нафақат бўли, балки халқаро кузатувчи ва мутахассислар ҳам эътибор қаратмоқда.

Яна бир муҳим воқеали сифатида эса Президентимизнинг "Туркия Республикаси нишони" билан тақдирланишини келтириб ўтиш жоиз. Чунки бу Президентимиз тимсолида бутун ўзбек халқига кўрсатилган юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодасидир.

Умуман, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига ушбу расмий таширфи икки давлат ўртасидаги ришталарни янада мустаҳкамлаши билан улкан аҳамиятга эга.

«Халқ сўзи».

«Türkiye» газетаси:

Янги Ўзбекистон бутун дунёнинг порлоқ юлдузига айланиб бормоқда

Янги Ўзбекистон 90 дан ортиқ давлатлар, жумладан, Туркияга ҳам амал қилаётган визасиз режим туфайли туризм соҳасида ўз номини юксалтирмоқда. Шундай қилиб, буюк ва чўқур тарихий пойдеворлардан кўн олиб, юксалиш ва ривожланишни мақсад қилган мамлакат нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунёнинг порлоқ юлдузига айланиб бормоқда.

Муаллиф, шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёевнинг маънавий соҳасидаги улкан ташаббусларига эътибор қаратган. "Бугунги кунда Ўзбекистонда давлат раҳбари ташаббуси билан учинчи Ренессанс гоёси амалга оширилмоқда. Маълумки, кўпчилик тарихчилар Имом Бухорий, Хоразмий каби алломалар етишиб чиққан X-XI асрларни биринчи Ренессанс, Алишер Навоий ва Мирзо Улуғбек каби буюк шахслар етишиб чиққан XV асрни иккинчи Ренессанс даври деб таърифлайди. Бугун эса янги Ўзбекистон етакчиси учинчи Ренессанс гоёсини илгари сурмоқда. Ушбу мақсадга эришиш йўлида мамлакатда кенг қўламли ишлар бошлаб юборилган. Ўзбекистон ёшларини замонавий билим ва мутахассисликларни эгаллаши учун кўплаб лойиҳа ҳамда дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, бугун ўзбек ёшлари ўз юрти ва дунёнинг энг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олмақда. Бу борадаги имкониятлар изчил кенгайтирилмоқда", деб таъкидлаган Туркия Буюк миллат мажлиси аъзоси.

Мақолада Ўзбекистонда бошланган янгилашлар жараёни Туркия билан муносабатларга ҳам чўқур таъсир кўрсатгани ургуланди. Муаллиф Президентлар Режеп Таййип Эрдоган ва Шавкат Мирзиёев ўртасида ниҳоятда яқин ва самимий муносабатлар ўрнатилганини эътироф этган. Давлат раҳбарларимиз бир-бирларига "қардошим" деб мурожаат қилишди, дейиладди нашрда. Бу ҳолат, албатта, мамлакатларимизнинг барча муассаса ва ташкилотлари ўртасидаги муносабатларга ижобий таъсир кўрсатади.

"Шу ўринда, мамлакатларимиз парламентлари ўртасида ҳам намунавий алоқалар мавжудлигини алоҳида таъкидламоқдамасам бўлмайди, — дейди депутат. — Шу йил 22 май кўни Туркия Буюк миллат мажлиси раиси Нўман Куртулмуш бошчилигидаги делегация билан Ўзбекистонга қилган таширфимиз парламентлар дипломатияни ривожлантириш нуқтаси назаридан жуда фойдали бўлди. Делегациямиз Президент Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси раҳбарияти билан муҳим учрашувлар ўтказилди. Икки мамлакат парламентларо алоқаларини янада ривожлантириш, парламентлардаги дўстлик гуруҳлари ишини фаоллаштириш, тегишли кўмиталар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича келишиб олдик".

Мақола хулосасида, "Мен Туркия — Ўзбекистон парламентларо дўстлик гуруҳи раиси сифатида фаолият юритар эканман, бу заминга кўп мартаба бориш имконига эга бўлдим. Лекин ҳар сафар борганимда ўзим учун янги нарсаларни касб этаман. Ўзбекистон тарихий кадриятларга софит қолган ҳолда ҳамда цивилизациясига ҳисса қўйиш каби муҳим вазифаларни хали ҳам давом эттирмоқда. Мен ҳам икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш йўлида бир билим ва ғайратимни сафарбар қилишда давом этаман", деб ёзган Осман Местен.

«Дунё» АА. Анқара

ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИМИЗ БИР, ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИМИЗ МУШТАРАК

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанинг тақлифига биноан 6 июнь кўни ушбу давлатга расмий таширифи кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш билан бирга, мамлакатлар ўртасидаги шериклик ва дўстлик муносабатларида янги саҳифа очди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ушбу таширфининг аҳамияти, кейинги йилларда тобора мустаҳкамланиб бораётган икки давлат муносабатлари ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Қўшма декларация ва стратегик шериклик истиқболлари

Ойдин АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг тарихига назар ташласак, унда мамлакатимиз мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган давлат айнан Туркия эканини кўришимиз мумкин. Янги йиллар ичида мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли стратегик шерикликнинг йўлга қўйилиши, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларнинг жадал тус олиши ҳамкорлигимизни янги босқичга олиб чиқди, десак, янглишмаймиз.

Ўзбекистоннинг кейинги йилларда жаҳон майдонига дадил қадамлар билан кириб боргани ҳамда дунё бўйлаб катта обрў-эътиборга сазовор бўлгани Туркия мамлақати томонидан яқинлиқ билан кўплаб-қувватланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанинг тақлифига биноан ушбу мамлакатга расмий таширфи, шубҳасиз, икки томонлама муносабатларини янги даврини бошлаб берди.

Туркия давлати раҳбари билан бўлиб ўтган тор доирадаги музокаралар чоғида икки мамлакат ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш, кўп қиррали ҳамкорликни чўқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этиш жоизки, Туркия ва Ўзбекистон ўртасида умумийлик кўп. Иккала мамлакат туркий тилда гаплашадди, битта дунга эътиқод қилади, аънавалари бир-бирига ўхшаш, азалий дўстлик ва маданий алоқалар мустаҳкам одат тусига кирган.

Сўнгги йилларда икки давлат ўртасида кўп қиррали стратегик шериклик ва тараққиёт даври бошланди. Бу парламентларо муносабатларда ҳам яққол намойен бўлмоқда. Бинобарин, 2017 йил октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентларо гуруҳи ташкил этилди.

Жорий йил май ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Туркия парламенти Спикери Нурман Куртулмуш билан бўлиб ўтган учрашувда шу нарса таъкидландики, икки давлат бирлашиб, ўз алоқалари ва ҳамкорлигини янада ривожлантирадиган бўлса, барча туркий мамлакатларининг тинчлиги ва фаровонлигига ҳисса бўлиб қўйилади.

Табиийки, барча тармоқлар қатори таълим соҳасидаги алоқалар ҳам кенгайиб бормоқда. Хусусан, Туркиянинг олий таълим муассасаларида 300 нафар ўзбекистонлик талаба таҳсил оляпти.

Узаро музокаралар чоғида икки давлат ўртасида тил бирлигини таъминлашга эришиш, маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантириш, қўшни мамлакатларнинг тарихий соҳадаги илмий тадқиқотларини яратиб бораётган ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида келишиб олинган диққатга сазовор. Айниқса, Стратегик ҳамкорлик кенгашининг учинчи йиғилиши якунида икки мамлакат раҳбарлари Кенг қамровли стратегик шерикликни чўқурлаштириш тўғрисида қўшма декларацияни имзоланган ушбу таширфининг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлди, десак, айни ҳақиқат.

Олий муқофот — эътибор ва эътирофнинг амалий ифодаси

Мавжуда ҲАСАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Кейинги йилларда икки мамлакат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли давлатларо муносабатларда янги давр бошланди. Сиёсий, савдо-иқтисодий, сарможий, маданий-гуманитар, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

Бугунги кунда кўп асрлик дўстона алоқаларга содиқ қолган ҳолда Ўзбекистон ва Туркия икки томонлама ҳамкорликни янада оқори даражага кўтаришда дадил қадамлар ташламоқда.

Барча соҳалар қатори парламентларо муносабатлар ҳам янги босқичга чиқаётганини ало-

ҳида қайд этиш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентларо дўстлик гуруҳи аъзоси сифатида ҳаммасларимиз билан дўстим мулоқот қилиб, ўзаро таъриба алмашиб келмоқдамиз.

Қонунчилик палатаси депутатларининг Туркия давлатида бўлиб, турли форумлар ва тадбирларда иштирок этиб келётгани ҳам ҳар икки мамлакат парламентлари ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқишига хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг Туркияга расмий таширифи икки мамлакат халқлари фаровонлиги йўлида самарали ҳамкорликнинг янги истиқболларини очишга хизмат қилиши мўжарар. Хусусан, Анқара шаҳрида Президентлар раислигига илк мартаба бўлиб ўтган Ўзбекистон — Туркия Ишбилармонлар кенгашининг биринчи йиғилиши ҳам ҳар томонлама муваффақиятли бўлди, дейиш учун тўла ҳақлимиз.

Тадбиркорлар билан бўлиб ўтган бундай форматдаги мулоқотда ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари белгиланиб, аввало, инвестициявий шериклик ва санаот кооперациясини кенгайтириш тақлиф этилди. Айниқса, Ўзбекистон — Туркия санаот кластерини ташкил этиш юзасидан келишувга эришилгани эътиборга молик. Шубҳасиз, ушбу санаот зонаси икки мамлакат ўртасида амалий ҳамкорликнинг лоқомотивига айланмади.

Президентимизнинг қардош мамлакатнинг олий давлат муқофоти — "Туркия Республикаси нишони" билан тақдирланиши халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталари, икки томонлама кўп қиррали муносабатлар бутунлай янги босқичга чиққанининг эътирофи бўлди, десак, муболага эмас.

Ишончли алоқалар янада мустаҳкамланади

Гулрўх АГЗАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Кейинги йиллар мисолида айтганидан бўлсак, Ўзбекистон — Туркия муносабатларидаги очкичлик, ошқоралик, ишонч ва самимиятни сезмасликнинг иложи йўқ. Икки кучли лидернинг ўз давлати тинчлиги ва раванки йўлидаги жасорати, қатъияти, стратегик масалалардаги ҳамкорлиги дунёдаги бугунги қалтис вазият, давлатларо ишонсизлик муносабатлари кескинлашуви жараёнида янада яққол сезилмоқда.

«Халқ сўзи».

ЖАВОБГАРЛИКНИ БЕЛГИЛАШГА ДОИР НОРМАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА



Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси мажлиси ўтказилди. Унда сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари раислари, экспертлар гурӯҳи, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, Ёшлар парламенти аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисига киритилаётган бир қатор масалалар муҳокама қилинди.

Сенат қўмитасида

Жумладан, "Маъмурий ислохотлар доирасида таълим соҳасида давлат бошқаруви такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимча-

лар киритиш тўғрисида"ги қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Қайд этилганидек, юртимизда таълим хизматларини кўрсатиш соҳасида лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини ли-

бераллаштириш ҳамда институционал ислох қилиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилди. Шунга қарамай айрим нодавлат таълим ташкилотлари томонидан мустақил ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари закон талабига жавоб бермаслиги, ҳужжатлар экспертизадан

ўтказилмагани каби ҳолатлар кузатилмоқда. Бу қонун эса олий таълим, фан ва инновациялар, мактабгача ва мактаб таълими соҳасидаги республика ижро этувчи ҳокимият органларининг яхлит тизимини шакллантиришга ҳамда давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган таълим хизматлари сифатини оширишга хизмат қилади. Мажлисда "Юридик шахс мақомига эга бўлмаган касабга уюшмалари ташкилотларини ҳисобга қўйиш тартиби белгилаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартириш ки-

ритиш тўғрисида"ги қонун ҳақида ҳам сўз юритилди. Таъкидланганидек, мазкур қонуннинг қабул қилиниши юридик шахс мақомига эга бўлмаган касабга уюшмалари бўлинмалари ва бошланғич касабга уюшмалари ташкилотларини рўйхатга ва ҳисобга олиш ягона орган орқали амалга оширилиши ва улар томонидан шартномавий-ҳуқуқий муносабатга киришилганда юзга келадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарликни аниқ белгилаш имконини беради. Мажлис якунида қўрилган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ХИЗМАТ СИЗНИ ҚОНИҚТИРАДИМИ?

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан "Аҳолига маданий хизмат кўрсатиш даражасини янада яхшилаш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда депутатлик назорати" мавзусида семинар ўтказилди.

Семинар

Унда сенаторлар, мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари, экспертлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари қатнашди. Семинар маҳаллий Кенгашлар депутатларининг соҳа қонунчилигидаги янгилик ҳамда ўзгаришлар бўйича ноҳақ билимини ва амалий кўникмаларини ошириш, аҳолига маданий хизмат кўрсатиш юзасидан белгиланган устувор вазифаларнинг ижроси жараёнида депутатлик назоратини олиб бориш масалаларига бағишланди. Тадбирда Маданият вазирлиги ҳамда унинг республика ташкилотларидаги масъулларнинг мавзуга доир маърузалари, сенаторлар, экспертлар ва Ёшлар парламенти аъзоларининг фикр-мулоҳазалари ҳам эшитилди.

Таъкидланганидек, Маданият вазирлиги томонидан аҳолига маданий хизмат кўрсатиш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Масалан, ўтган йилда мамлакат бўйлаб 17 мингдан ортиқ концерт-томоша тадбирлари ташкил этилиб, 10 миллионга яқин аҳоли қамраб олинган. Танкичи санъаткорлар, давлат театрлари, цирк ва дорбозлик гуруҳлари ҳамда иқидий жамоалар иштирокида 208 та шаҳар ва туманда 256 та театрлаштирилган томошалар намойиш этилган. Ашула ва рақс ансамбллари иштирокида юртимиз олис худудларидаги аҳоли учун 32 та концерт-томоша тадбири ўтказилган. Республика бўйлаб 110 та "маданий кунлари" тадбири ташкил қилинган, миллий ансамбль ва симфоник оркестрларнинг худудларга 20 та гастроль сафари уюштирилган.

Шунингдек, "Маданият қарвони" лойиҳаси доирасида 14 та маданий-маърифий ҳамда бошқа тадбирлар ўтказилган. Семинарда аҳолига маданий хизмат кўрсатиш юзасидан белгиланган устувор вазифалар ижроси депутатлар томонидан назорат қилиб борилиши муҳимлиги ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ўз навбатида, сенаторлар томонидан "Аҳолига маданий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорининг худудлардаги ижросини назорат қилиш ҳамда бу бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан масъул раҳбарлар ахборотини маҳаллий Кенгашлар сессияларида эшитиб бориш, муаммолари масалалар бўйича Сенат қўмитасига тақлифлар киритиш, депутатлик сўровларини юбориш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Шунингдек, аҳолига маданий хизмат кўрсатувчи муассасалар моддий-техника базаси ҳолатини ўрганиш, олис ва чекка худудлардаги аҳоли орасига кириб бориш ҳамда уларни энг сара санъат асарларидан баҳраманд этиш муҳим масала эканлиги таъкидланди.

«Халқ сўзи».

МАЪНАВИЙ ЗАРАРНИ УНДИРИШ:

ҲУҚУҚИЙ АСОС ВА АМАЛИЁТ

Инсоният тараққиётга эришгани сари у тўқнаш келаётган муаммолар ҳам кўпайиб бораётганини кўриб-билиб турибмиз. Интернет ва ижтимоий тармоқлар ривожланган ҳозирги кундан ундан фойдаланган ҳолда содир этилаётган ноқонуний ҳолатлар тез-тез кўзга ташланади. Албатта, бу уларга ҳуқуқий баҳо бериш жараёнларини маълум даражада мураккаблаштирмасдан қолмайди.

Ҳўш, шундай вазиятда бизда қандай йўл тутилмоқда? Ушбу саволга маънавий зарарни ундириш билан боғлиқ Мушоҳада жараёнлар мисолида жавоб беришга уриниб кўрамиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қароридан маънавий зарар билан боғлиқ жараёнлар тўла қамраб олинган. Унга кўра маънавий зарар миқдорини белгилашда судлар жабрланувчининг унга etkazилган маънавий зарар огирлигига берган субъектив баҳо, даввогарга etkazилган маънавий ва жисмоний азоблар даражасини кўрсатувчи объектив маълумотларни, тажовуз қилинган объектнинг ҳаёт учун муҳимлиги ва оқибати, уялтирадиган нотўғри маълумотлар характери ва уларнинг қанчалик даражада тарқатилгани, жабрланувчи яшаш шароити, шахсий хусусияти, зарар etkazuвчи ва жабрланувчининг айб даражаси, зарар etkaz-

лилик талаблари эътиборга олинмиш лозимлигига ҳам алоҳида ургу берилди. Шу ўринда айтиш жоизки, шахсинг соғлигига etkazилган шикаст билан боғлиқ ёки меҳнатга оид низолар бўйича, шахс шашни, кадр-қимматини камситувчи низолар бўйича маънавий зарар пул билан қопланиши, суд қарорини ижроси мобайнида эса бошқа шаклда қопланиши даввогар ва жавобгар ўртасидаги келишувга мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Маълумотларга кўра жисмоний шахсларга Давлат бюджетидан 2022 йил якуни бўйича жами 108 млрд. 366 млн. сўм моддий ва маънавий зарар тўлаб берилган. Бу кўрсаткич 2024 йил 1 январ ҳолатига кескин ошиб, 192 млрд. 449 млн. сўмни ташкил этгани анчайин ташвишлидир.

Ўтказилган таҳлил ва тадқиқот жараёнида яна шу нарса аниқ бўлдики, амалдаги Фуқаролик кодексига маънавий зарарни белгилаш судьянинг ички ишончи судьянинг ҳақдорлиги шараф тўғрисида тўлиқ ҳақиқатни назарда тутиш бўлса-да, жараёнда бу борада турлича амалиёт шаклланган. Бундай ҳолат жиний жавобгарликка тортилаб, реабилитация қилинган шахслар фойдасига маънавий зарарларни ундириш билан боғлиқ фуқаролик ишларида кўпроқ учрайди. Амалдаги Фуқаролик процесуал кодексининг 50-моддасида

"Прокурор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ёки прокурорнинг давво аризаси (аризаси) асосида кўзғатилган ишлардан ишторик этиши мумкин. Прокурор бошқа шахсларнинг аризалари билан кўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан ишторик этиши мумкин эмас", дея белгилаб қўйилган.

Қолаверса, маънавий зарарни ундириш билан боғлиқ фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ишторик этиши белгиланмаган.

Бу каби ҳолатлар қайсидир маънода прокурор фаолиятини чеклаб қўяди. Яъни прокурорнинг Конституцияда аниқ белгиланган давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ва қонунийликни мустаҳкамлаш вазифаларини тўлиқ амалга оширишига имкон бермайди.

Яна бир долзарб масалага эътибор қаратмоқчимиз. Амалда-

ги фуқаролик процесуал қонунчилигига кўра, қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш учун судга мурожаат қилиш ваколати ишда ишторик этувчи шахсларга таалуқли бўлиб, фақатгина улар томонидан (апелляция, кассация, тафтиш тартибидан) шикоятлар берилиши белгиланган. Аммо ишда ишторик этаётган шахсда суд қарорини кўриб чиқишга қизиқиш йўқолиши ёки жисмоний шахс вафот этиши ва бошқа ҳолатлар бўлиши мумкин. Айни чоғда томонлар ҳар доим ҳам суд қарорини бекор қилишдан манфаатдор бўлавермайди.

Ахир қонунчилигимизда қонуний кучга кирган суд қарорларини давлат манфаатларини кўзлаб қайта кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган процесуал шахс бўлмагандан кейин ушбу суд ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш деярли имконсиз бўлиб қолаверади. Бундай вазиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминловчи, давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳамда ишда ишторик этувчи шахсларнинг манфаатини мустақил равишда ҳимоя қила оладиган шахс фақат прокурор бўлиши мумкин.

Кўриниб турибдики, маънавий зарарни ундириш жараёни билан боғлиқ муайян ҳуқуқий бўшлиқлар мавжуд. Бу эса ҳуқуқий асосни замон талаблари доирасида такомиллаштириши тақозо этади. Аниқ айтганда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг юқорида номи келтириб ўтилган қарорини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Ана шунда маънавий зарарни ундириш жараёни билан боғлиқ бу каби салбий ҳолатлар бартараф қилинади.

Барно УМАРОВА, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқармаси бошлиғи.

ФРАКЦИЯЛАР ҲАЁТИ

ЎзЛиДеП



Мазкур ҳафтада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2023 йилдаги ҳамда 2024 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот кўриб чиқилган.

Муҳокамада Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси **Дониёр Ганиев** қиш мавсумида табиий газ билан таъминланмаган худудларда электр энергияси учун белгиланган "ижтимоий норма" (аҳоли томонидан сотиб олишда қўлланиладиган имтиёзли тариф) миқдорини ошириш масаласини кўтарди.

"Табиий газ билан таъминланмаган айрим худудларда аҳоли хонадонларни иситишда электр энергиясидан кўпроқ фойдаланишига тўғри келади. Бу нотўғри, лекин уларнинг бошқа танлов йўқлигидан улар электрдан асосий иситиш воситаси сифатида фойдаланаётган бўлиши мумкин. Шу боис бундай тоифадаги фуқароларга қиш мавсумида "ижтимоий норма" имтиёзлари миқдорини ошириш лозим", деди депутат.

«Миллий тикланиш» ДП



Сир эмаски, ёзги таътилнинг бошланиши билан юртимизда болажонлар учун истироҳат боғлари ва парклар мавсуми очик, деб эълон қилинади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси **Умид Раҳмонова** парклардаги аттракционларнинг хавфсизлиги ва сифати назоратини кучайтириш зарурлигини қайд этар экан, айрим ҳолларда парк ишчи-ҳодимлари болалардан ташкил топаётганини танқид остига олди.

"Аттракцион назорати таътил пайтида ҳам болаларга топширилмаслиги керак. Назоратчи, албатта, техник қурилма ва хавфсизлик бўйича малакага эга бўлиши зарур. Техник кўрик номигагина эмас, балки ишон ҳаёти хавф остида қолмаслиги учун қафолатли ўтказилиши лозим", деди депутат.

«Адолат» СДП



Айни пайтда юртимизнинг барча худудидан "Ёшлар ойлари" доирасида турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Қонунчилик палатасидаги Ёшлар комиссияси ва Парламент ахборот маркази ташаббуси билан "Парламент билимдони" танлови эълон қилинган ёшлар учун ўз билимини синаш масаласида муҳим платформа бўлди. Танлов уч босқичдан иборат бўлиб, унинг биринчи ва иккинчи босқичлари тест шаклида "@Parlament_bilimdoni_bot" махсус боти орқали саволларга жавоб бериш тарзида ўтказилади. Учинчи босқич эса оғзаки савол-жавоб шаклида ташкил этилади.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоси, Ёшлар масалалари бўйича комиссия раиси **Мухаммадхон Валиев** танловнинг аҳамияти ва мақсадига тўқталиб, ўз фикрларини билдирди. "Мазкур танлов ёшларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини синовдан ўтказишга, ўз тенгдошлари билан фикрлашишга имкон яратди. Ёш авлоднинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши янада жадаллаштириш госясини илгари суриб келаётган партияимиз ёшлари ушбу танловда фаол ишторик этишига умид қиламан", деди депутат.

ЎзХДП



Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган ялпи мажлисида депутатлар томонидан болаларни зўравонликнинг барча шаклидан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилиб, бир овоздан қабул қилинган эди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси **Шохиста Турғунова** муҳокамада сўз олиб, фракциянинг позициясини билдирди.

"Мазкур ҳужжатдаги нормалар партияимиз электорати бўлиши кўп болали оилалар, етим болаларни ва оила муҳитидан маҳрум болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади. Шу нуқтага назардан, уни тўла қўллаб-қувватлади. Партияимиз фаоллари ушбу қонуннинг жойлардаги ижроси назоратига салмоқли ҳисса қўшишига умид қиламан", деди депутат.

Ўзбекистон Экологик партияси



Жорий ҳафтада Президент Шавкат Мирзиёев раислигида худудларда туризм инфратузилмасини яхшилаш ва орижий туристлар оқимини янада кўсайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтган.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси **Нусироб Аминов** бунга ўз муносабатини билдирди, йиғилишда экотуризмни ривожлантириш бўйича илгари сурилган ташаббусларни қўллаб-қувватлашни таъкидлади.

"Ўзбекистон экотизими ранг-баранглиги билан машҳур, кўллар, тоғлар ва адирликларга бой мамлакат. Экотуризмни ривожлантириш ушбу ноёб табиий масканларни ва биохимикаликни асраб-авайлашга хизмат қилади. Йиғилишда ўринли танқид бўлди: мамлакатимизда табиий қўллар атрофидаги туризм имкониятлари ишга солинмапти. Экотурнинг фаоллари жойларда бу борада ечимини кутаётган масалаларни ўрганишда ва мақбул чораларни тақлиф этишда жонбозлик кўрсатиши лозим", деди депутат.

«Халқ сўзи».

Нуктаи назар

Ҳозирги мураккаб геосийёсий ва иқтисодий вазиятда туризм каби янги иш ўрни яратадиган, инвестиция ва экспортни кўпайтирадиган соҳаларни кўллаб-қувватлашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бинобарин, мамлакатимизда туризм соҳасида ҳали ишга солинмаган салоҳият бор. Бу жиҳатдан Ислон ҳамкорлик ташкилоти Туризм кенгашига раислик қилиш ваколати Ўзбекистонга ўтгани ҳам катта имконият яратди. Яқинда давлатимиз раҳбари раислигида туризмни янада ривожлантириш бўйича устувор масалалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида шу каби долзарб масалалар кенг муҳокама қилинди.



ЎЗБЕКИСТОН – САЙЁҲЛАР УЧУН ЭНГ ЖОЗИБАДОР МАМЛАКАТ

Унда Президентимиз қайд этганидек, ўтган йили Самарқандда уюштирилган Глобал туризм инвестиция форумида 2,3 миллиард долларлик келишувларга эришилган эди. Лекин айрим лойиҳалар ижроси суист кетмоқда. Шу билан бирга, ишлар тўғри ташкил этилган ҳудудларда натижа бор. Масалан, хорижий инвесторлар Шахрисабз туманидаги Фелон ва Сарчашма қишлоқлари орасида 3 минг гектарлик тоғ-чанги комплексини ташкил қилиш, Мираки қишлоғида туризм зонасини барпо этиш ишларини бошлаб юборган.



Мамлакатимизда бу соҳада амалга оширилган ишларга назар ташлаётган бўлсак, ўтган йили юртимизга келган хорижий сайёҳлар сони салкам 7 миллион нафарни ташкил қилди. Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил" дастури доирасидаги маҳаллий туристлар оқими ҳам йил сайин кенгайиб бораётти. Бу эса халқроқ туризм бозорини миллий сайёҳлик салоҳиятини юксалтириш, халқроқ ярмаркаларда қатнашиш тизимини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунини мамнуният билан айтиш жоизки, миллий сайёҳлик салоҳияти пойтахтимизда ҳар йили ўтказилаётган халқроқ туризм ярмаркаларидан ташқари бошқа қатор давлатларда ҳам тарғиб қилинмоқда.

лик ташкилоти томонидан эълон қилинган туризм соҳаси энг тез ривожланаётган 20 та давлат рўйхатида Ўзбекистон тўртинчи ўринда қайд этилди", деб ёзади ушбу нашр вакили.

Таъкидлаш жоизки, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) 2023 йилда Шахрисабзга ушбу ташкилотнинг туризм пойтахти мақомини берди. Шу муносабат билан Шахрисабз шаҳрида 2024 йилда ИХТга аъзо давлатлар ҳамкорлигида халқроқ форум бўлиб ўтди.

Яна бир муҳим воқеа: Ислон ҳамкорлик ташкилоти Хива шаҳрини 2024 йилда "Ислон дунёсининг туризм пойтахти", деб эълон қилди. Ёки Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқандда ўтказилган саммитида 2023 йил "Туризмни ривожлантириш йили" деб эълон қилинди.

1 миллион иш ўрни очилади

2023 йилда Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бош ассамблеясининг XXV сессияси Самарқанд шаҳрида ўтказилди. Юқори даражадаги тадбир, яъни БМТ оиласига кирувчи ташкилот Бош ассамблеясининг Ўзбекистонда ўтказилиши мамлакатимиз учун тарихий воқеалиқлардан бўлди, десак, муволафа бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеясининг 25-сессияси очилиш маросимида иштирок этиб, глобал сайёҳлик ташкилотининг 140 дан зиёд мамлакатлар вакиллари келган тадбирда соҳани янада ривожлантириш бўйича бир қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Ўзбекистон етакчилигида туризм соҳаси жаҳон иқтисодиётининг энг тез ривожланаётган ва истиқболли тармоқларидан бири эканини, Ўзбекистонда ҳам мамлакатни модернизация қилиш бўйича кенг кўламли ва орта қайтмас ислохотлар доирасида ушбу соҳани ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилаётганига ишонч билдириш мумкин.

дир. Шу маънода айтиш жоизки, иқлим ўзгаришлари тобора кучайиб бораётган даврда "яшил" туризмни ривожлантириш бўйича халқроқ Харакатлар дастурини қабул қилиш ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Бу борадаги амалий қадамлар сифатида Бутунжаҳон туризм ташкилоти доирасида "Яшил" туризмни жорий этиш бўйича энг яхши шаҳар" номинациясини таъсис қилиш, шунингдек, Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети ҳамда Самарқанддаги "Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқроқ университети ҳамкорлигида Глобал "яшил" туризм стартаплари лабораториясини яратиш кўзда тутилмоқда.



Имконияти чекланган сайёҳлар учун қулай шaroитларни янада кучайтириш ва инклюзив туризм инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Президенти 2025 йилни "Бутунжаҳон инклюзив туризм йили" деб эълон қилиш ва махсус декларация қабул қилиш ташаббусини илгари сурди. Яқинда Самарқандда очилган туризм соҳаси аъзо кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича дунёда ўнхашми йўқ UNWTO Халқроқ туризм академиясида мутахассисларни ўқитиш учун махсус грантлар ажратиладиган бўлди. Шунингдек, ёшлар учун сайёҳликни ривожлантириш лойиҳалари ҳамда янги фойдаланиш яратишда муҳим ва фойдаланиш майдонга айланган Жаҳон ёшлар туризми саммитининг навбатдагисини Тошкент шаҳрида ўтказиш тасдиқланди.

"Ипак йўли" брендини ривожлантиришга қўйилган маблағларнинг тақриби шундан далolat берадики, кластерлар иқтисодиётининг юқори самардорлиққа эришишига имкон яратди, кластерларни шакллантириш мамлакатда мавжуд бўлган туризм ресурслари ҳамда афзалликларидан янада тўлиқроқ фойдаланишга имкон яратди. Ҳар қандай ҳудуд доирасида туризм кластерини шакллантиришнинг соҳа тараққиётига оид муаммолар ечимини топишни тасвирчан ва ўта зарур усул ҳисобланади. Шу мақсадда университет таълим тизими томонидан Эллаққалба туманида Ақчақўл туристик рекреацион-соғломлаштириш кластерини ташкил этиш тасдиқланди.

Мустақам ҳуқуқий асос яратилмоқда

Давлатимиз раҳбари томонидан халқроқ туризм соҳасида мустақам ҳуқуқий асосларни кучайтириш мақсадида БМТ доирасида Глобал ҳафвиз туризм кодексини ишлаб чиқиш тасдиқланди.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Туризм кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори (DsC), профессор.

Алишер ЭШТАЕВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Туризм кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори (DsC), профессор.

Ўзбекистон дунё сайёҳлари учун энг жозибадор мамлакатга айланмоқда. Бу бир жиҳатдан юртимизда туризм тараққиётига катта эътибор қаратилаётгани натижаси бўлса, иккинчидан, мамлакатимиз азалдан дунё тамаддунининг ҳазинаси бўлган тарихий обидаларга бойлиги, халқимизнинг бағрикенг ва меҳмондўстлиги туфайлидир. Зотан, дунёнинг диёримизга интилаётгани биз барпо этаётган янги Ўзбекистоннинг истиқболи нурафшон эканидан далolat бериб турибди.

Ўзбекистон дунё сайёҳлари учун энг жозибадор мамлакатга айланмоқда. Бу бир жиҳатдан юртимизда туризм тараққиётига катта эътибор қаратилаётгани натижаси бўлса, иккинчидан, мамлакатимиз азалдан дунё тамаддунининг ҳазинаси бўлган тарихий обидаларга бойлиги, халқимизнинг бағрикенг ва меҳмондўстлиги туфайлидир. Зотан, дунёнинг диёримизга интилаётгани биз барпо этаётган янги Ўзбекистоннинг истиқболи нурафшон эканидан далolat бериб турибди.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Туризм кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори (DsC), профессор.

лантиришга қўйилган хиссаси учун UNWTO махсус халқроқ муқофотини таъсис этиш ташаббуси билдирилди. Ушбу режани амалга ошириш билан Самарқандда очилган "Ипак йўлида туризм" тематик офиси фаол шугулланади. Глобал медиакампусни таъсис қилиш ва унинг форумларини ҳар икки йилда бир марта Бош ассамблея сессиялари доирасида ўтказиш муҳимлигига эътибор қаратилди. Биринчи медиакампусни Ўзбекистонда қабул қилишга тайёрлик билдирилди.

2024 йилнинг 12 январида "Республикага хорижий туристлар оқимини кескин ошириш ҳамда ички туризмни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони қабул қилингани ҳам соҳага эътибор юксалиб бораётганидан далolat беради. Худди шу куннинг ўзида Президентимизнинг "Хорижий давлатларда Ўзбекистон тарихи ва маданияти, ўзбек тили ва адабиётини ўрганишни кенг тарғиб қилиш орқали туристлар оқимини кўпайтириш ҳамда мамлакатимиз дуофузини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикасида тўсиқсиз туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва уни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари қабул қилингани ҳам юқоридаги фикрларимизни тасдиқлаб турибди.

Ақчақўл туристик кластери ташкил этилади

Шу кунларда Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Қорақалпоғистон туризм бошқармаси ва Хўжайли тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда Хўжайлида "Мизадоҳон — муқаддас ва сирли маскан" мавзуда туризм фестивалини ташкил этиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Фестиваль доирасида учта халқроқ ташкилот ва 7 та хорижий давлатдан вакиллар иштирок этиши режалаштирилган. Ушбу фестивалнинг ўтказишдан асосий мақсад — хорижий ҳамкорлар орасида Қорақалпоғистон Республикасини, шу жумладан, Хўжайли туманининг туризм салоҳиятини тарғиб қилишни жадаллаштиришдан иборат.

Соҳага илмий тадқиқотларни кенг жалб қилиш мақсадида Туризм қўмитаси, унинг тизим ташкилотлари билан ҳамкорликда ушбу тумандаги соҳа бўйича энг муаммоли бўлган 28 та илмий тадқиқотнинг намунавий мавзулари рўйхати шакллантирилди. Айни пайтда профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчилар томонидан ушбу мавзулар бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ривожланган давлатларнинг тажрибаси шундан далolat берадики, кластерлар иқтисодиётининг юқори самардорлиққа эришишига имкон яратди, кластерларни шакллантириш мамлакатда мавжуд бўлган туризм ресурслари ҳамда афзалликларидан янада тўлиқроқ фойдаланишга имкон яратди. Ҳар қандай ҳудуд доирасида туризм кластерини шакллантиришнинг соҳа тараққиётига оид муаммолар ечимини топишни тасвирчан ва ўта зарур усул ҳисобланади. Шу мақсадда университет таълим тизими томонидан Эллаққалба туманида Ақчақўл туристик рекреацион-соғломлаштириш кластерини ташкил этиш тасдиқланди.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Туризм кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори (DsC), профессор.



Қозоғистон «Толибон»ни террор ташкилотлари рўйхатидан чиқарди

Қозоғистон «Толибон» режимини террорчилар рўйхатидан чиқарди. Бу ҳақда маълум қилган Президент Қосим-Жомарт Тоқоёв бу Афғонистон ҳукумати билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида амалга оширилганини билдирган.

Эслатиб ўтамиз, дунёнинг кўплаб давлатлари қатори «Толибон» Қозоғистон Олий судининг 2005 йил 15 мартдаги қарори билан террор ташкилоти деб топилган ҳамда мамлакат ҳудудида фаолияти тақиқланган эди. Тоқоёвнинг сўзларига кўра, ҳозирда стратегик ва зифалардан бири — Афғонистонни минтақаларо алоқаларга фаол жалб қилишдир. «Замонавий Афғонистон билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳимлиги ва бу режим узоқ муддатли омил эканини англашдан кейин чиққан ҳолда, Қозоғистон «Толибон» режимини террор рўйхатидан чиқарди», дея таъкидлаган у.

Ноқонуний миграцияга қарши чоралар

АҚШ Президенти Жо Байден Мексикадан ўз мамлакатаи ҳудудида ноқонуний ўтаётган муҳожирлар учун бошлана олиш тартиб-қоидаларини кучайтириш ҳақида топшириқ берди.

Бу бўйича 4 июнь кунини қарор қилган фармон бундай кишиларнинг АҚШдан бадарга қилинишини оsonлаштирди. Хўжжат, агар ноқонуний муҳожирлар сони кунига 2,5 мингдан ошса, америкалик расмийларга уларни тезлик билан депортация қилиш ҳуқуқини беради. Қолаверса, бу мазкур чора-тадбирлар худдиқ билан амалга оширилиши мумкинлигини аниглади, чунки ҳозирнинг ўзида Мексика — АҚШ чегарасидан кунунга эди равишда ўтаётган муҳожирларнинг ўртача сони кунига 3,7 мингдан ошмоқда.

Бош вазир партиясини яна голиб

Бош вазир Нарендра Модининг Ҳиндистон халқ партиясини («Бхаратия джаната парти») етакчилигидаги Миллий демократик альянс сайловлардан сўнг мамлакат парламенти қўйи палатасидаги ўринларнинг яримдан кўпини қўлга киритди.

Сўнги маълумотларга кўра, Модии коалицияси парламенти қўйи палатасидаги мавжуд 543 ўриндан 290 га яқинини эгаллаган. Почта орқали берилган овозлар ҳозирда қўриб чиқилмоқда. Таҳлилларга кўра, муҳолифат коалицияси таҳминан 220 ўринга эга бўлиши мумкин. Бироқ экспертлар таъкидлаганидек, Модии коалицияси парламентида режалаштирилган 400 ўринни олманган ва ҳатто беш йил аввалги натижани тақрорламаслиги мумкин бўлса-да, алақарча галаба нашидансини сурмоқда. Яъни Нарендра Модии энди кетма-кет учинчи марта Бош вазир лавозимини эгаллаши мумкин бўлади.

Исроил ўт оқиши тўхтатишга рози, аммо...

Исроил Бош вазири Биньямин Нетаньяху АҚШ Президенти Жо Байденнинг Газа секторинда ўт очишни тўхтатиш режасига муносабат билдирди. Яъни Исроил ҳукумати раҳбари гаровга олинган исроилликларни озод қилиш учун Газа секториндаги жанговар ҳаракатларни олти ҳафтага тўхтатишга тайёрлигини айтди.

"Times of Israel" нашрида аниқлик киритилишича, Б. Нетаньяху Жо Байденнинг можарони ҳал қилиш режасига муносабат билдирди. Исроил Бош вазири айтишича, АҚШ Президентининг режасига «бўлишлар» таллайгина. «Байден тақдим этган режа тўлиқ эмас. Гаровга олинганларни қайтариш учун уруш тўхтади, кейин яна гаплашамиз. АҚШ Президенти оммага тақдим этманган бошқа тафсилотлар ҳам бор», дея қўшимча қилди Бош вазир.

АҚШ Президенти Жо Байден 31 май кунини Газа секторинда ўт очишни тўхтатиш ва исроиллик гаровга олинганларни озод қилиш бўйича янги режани тақдим этди. Режа деэскалациянинг ўз босқичи, асосан, доимий сулҳ ва Исроилнинг Фаластин ҳудудидан чиқиб кетишини ўз ичига олади.

Режага кўра, биринчи босқич олти ҳафта давом этиши керак. Унда тўлиқ ва яқиний ўт очишни тўхтатиш, Исроил қўшинларининг Газа секториндаги аҳоли пунктларидан олиб чиқиб кетилиши ва юзлаб фаластинлик муҳожирларни озод қилиш эъзазида бир қатор исроиллик гаровга олинганларни қайтариш кирлади. Иккинчи босқич ҳарбий ҳаракатларни яқиний тўхтатиш ва Исроил қўшинларини Газа секториндан олиб чиқиб кетишни ўз ичига олади. Бундан ташқари, бу босқичда қолган барча гаровга олинганлар Исроилга қайтарилиши керак. Ниҳоят, учинчи босқичда АҚШ ва халқроқ ҳамжамият қўмағида минтақани кенг кўламли қайта қуриш режаси бошланади, бу эса 3 — 5 йил давом этади.

Абдували СОЙБНАЗАРОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

«МУНДИАЛ — 2026» САРИ НАВБАТДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Куни кеча пойтахтимиздаги "Бунёдкор" стадионида 2026 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионати Осиё минтақаси 2-саралаш босқичи доирасида навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Туркманистон миллий терма жамоалари бахшланди. Мурасасиз кечган учрашувда ўзбекистонлик футболчилар 3:1 ҳисобида галаба қозониб, «Мундиал — 2026» сари навбатдаги муҳим қадамни ташлади.

Муҳбиримиз футболчиларимизнинг қувонч ва ҳаяжонга тўла дил сўзларини, мусобақа ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ёзиб олди.

Интервью

Жалолиддин МАШАРИПОВ, Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси: — Ҳали олдиндан ижтимоий тармоқлар ва ён-атрофимиздагилардан "Жамоамиз Туркманистонни бемалол ютади, қўришга кириб нима қиламиз, аллақачон маълум ҳаммаси", деган гапларни эшитдик. Бу гапда ҳам жон бор, бироқ бизнинг ҳаёлимизга Туркманистонни ютиб бўлди, деган ўй келга-

ни йўқ қардош жамоани ҳурмат қилган ҳолда тўп сурдик. Ҳали олдиндан ижтимоий тармоқлар ва ён-атрофимиздагилардан "Жамоамиз Туркманистонни бемалол ютади, қўришга кириб нима қиламиз, аллақачон маълум ҳаммаси", деган гапларни эшитдик. Бу гапда ҳам жон бор, бироқ бизнинг ҳаёлимизга Туркманистонни ютиб бўлди, деган ўй келга-



Элдор ШОМУРДОВ, Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси:

— Ўтган ой мен тўп суратган Италия чемпионатида Милан — Кальяри ўйинида "Халқаро оналар кунин" муносабати билан ажойиб гоё илгари сурлди ва биз оналаримиз исми ёзилган футболкаларда ўйинга тушдик. Очигини айтсам, бу менда масъулият ва ишончнинг икки хисса оширди. Мана шундай хислар терма жамоамизда ўйнаган пайларимда ўн баравар ошди, десам, муволафа эмас. Чунки эгнимизда мил-



ли жамоамиз либоси, ортимизда эса галабимизни умид билан кутаётган халқимиз бор. Биласизми, бизни энг кўп қувонтирадиган нарсани нима? Амалли мағлубиятга учраганимизда ҳам ёнимизда турадиган, асосийси, ҳар қандай ҳолатда ҳам бизга ишонадиган муҳожирларимиз ва уларнинг ёрқин муносабатлари. Тўғри, мағлубият аччиқ, одамнинг қалбини оғритади, рўҳини туширади. Аслида, ҳаёт кунини шу — баъзида енгасан, баъзида эса ютказасан. Аммо ҳар икки ҳолатда ҳам ўзини йўқотманган одам чин маънода голиб бўлади. Сафимизда умидли ёшларимиз кўпаяётгани ҳам жамоа руҳиятига ижобий таъсир ўтказмоқда. Абдуқодир, Аббос каби жамоадорларимиз билдирилган ишончнинг оқлаши, уларнинг қаторига яна бошқа ёшларимиз қўшилишига тилақдошман. Кейинги ўйинимиз Эрон билан бўлиб ўтди. Ҳали натижаси ҳақида "Олдиндан бир нарсани дейиш қийин" деб гапни пайсалга солиб ўтирмаман, биз фақат ва фақат галаба учун майдонга тушамиз.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Ўзбекистон ва Туркиянинг ийрик шаҳарлари ўртасида ҳафтасига 90 та парвоз амалга оширилмоқда.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper. Includes contact information for the editor-in-chief, subscription rates, and a QR code. Text: 'Халқ сўзи Народное слово', 'Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ', '2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Ғ — 642. 14 054 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.', 'ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; қотибхат 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.', 'ТАХРИРГАТ КЕЛГАН ҚЎЛЪМЛАР ТАҚРИБ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФ ҚАЙТАРМАЙДИ.', 'Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.', 'Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.', 'Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" напирёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.', '• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров. Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.', '“Шарқ” напирёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 00.50 Топширилди — 01.35 1 2 3 4 5 6'.